ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Ф.Нурдинова

Мақолада Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *фуқаролик жамияти, фуқаролик институтлари, сиёсий институтлар, жамоат ташкилотлари, ижтимоий фаоллик.*

В статье рассматривается роль общественных объединений и негосударственных некоммерческих организаций в построении гражданского общества в Узбекистане.

Ключевые слова: *гражданское общество, институты гражданства, политические институты, общественные объединения, социальная активность.*

This article analyzes the role of public organizations and non-governmental and non-commercial organizations in the process of building democratic society in Uzbekistan.

Key words: *civil society, civil institutes, institutes of civil political institutes, public organizations, social activity.*

Юртимиз мустақилликка эришгач, уни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш, эркин бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар бугунги кунга келиб ўз самарасини бермоқда. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасида: "Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалари, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади" [1.15], - дейилган.

Фуқаролик жамиятининг асоси кишиларнинг ўз эҳтиёжларини ўзи қондиришига хизмат қиладиган, уларни ижтимоий манфаатлар атрофида бирлаштириб, жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок қилишини таъминлайдиган институтлар – фуқароларнинг ихтиёрий уюшмалари, бирлашмалари, ташкилотларидир. Шу билан бирга, жамоат ташкилотларига уюшиш эркинлиги муайян чегаралар доирасида амалга оширилади. Демак, жамоат бирлашмаси – маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун манфаатлар муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмасидир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Конституциямизда нодавлат-нотижорат ва жамоат бирлашмалари фаолиятига доир асосий принциплар мустаҳкамлаб қўйилгани аҳолининг барча қатламлари манфаатларини акс эттирадиган ушбу ташкилотларнинг кенг тармоқларини ривожлантириш учун қулай имконият яратди.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишда нодавлат ва жамоат бирлашмалари ролининг назарий асослари И.А.Каримов асарларида чуқур таҳлил қилиниб, кўрсатиб берилган. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "фуқаролик институтлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратилмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда" [2.42].

Фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш жараёнида юртимизда нодавлат-нотижорат ва жамоат ташкилотини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий шартлари, иқтисодий кафолатларини яратиш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил жорий этилаётган "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонун, "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, "Нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонун, "Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонун, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонун, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун, шунингдек, Президентимизнинг "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда 2008 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳар икки палатаси Кенгашларининг "Нодавлат-нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарори бу борадаги муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳуқуқий асосларнинг яратилиши миллий қонунчилигимизда жамоат ташкилотларининг фаолиятига оид ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мустақил соҳасини юзага келтирди. Шу билан бирга, жамоат ташкилотларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар ўз ичига конституциявий, фуқаролик, маъмурий, жиноий ҳуқуқ нормаларини қамраб олувчи бутун қонунчилик тизимининг шаклланишига ҳам имконият туғдирди.

Ушбу ҳужжатлар юртимизда жамоат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, айниқса, уларнинг хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириб, давлат ва жамият қурилишининг муҳим масалаларини ҳал этишга кенг жалб қилиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда 8100 дан зиёд нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Мақсади хотин-қизларни ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаш бўлган жамоат ташкилотлари сони 200 дан ортиқдир. Уларнинг аксарияти аёлларнинг ҳуқуқий-иқтисодий билимини ошириш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, аёл мутахассисларнинг билим ва малакасини юксалтириш ҳамда алоҳида ёрдамга муҳтож хотин-қизларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, маънавий мадад кўрсатиш каби соҳаларда фаолият олиб бормоқдалар.

1991 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунда илк бор жамоат бирлашмаси (ташкилоти) институтига ҳуқуқий таъриф бериш билан бирга, уни ташкил этиш мақсади, фаолият принциплари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси белгилаб берилди. Қонунда белгиланган шакллардаги ҳар қандай жамоат ташкилотини камида 10 нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузиш тартиби мустаҳкамлаб қўйилган. Қонунга биноан, жамоат ташкилотлари ўзларининг ички тузилмасини, мақсади, фаолият олиб бориш шакли ва усулларини танлашда ҳамда уставларини қабул қилишда мустақилдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий-сиёсий фанларда “фуқаролик институти”, “сиёсий институтлар”, “жамоат ташкилотлари” истилоҳлари синоним сифатида қўлланаётган бўлса-да, улар бир-биридан фаолияти, белгиланган мақсад ва манфаатларида фарқланадилар:

1) фуқаролик институтлари фуқароларнинг жамиятни бошқаришдаги иштирокини таъминлашга интилади;

2) фуқаролик институтлари давлат билан ёнма-ён фаолият олиб боради;

3) фуқаролик институтини ташкил этувчи айрим ташкилотларга давлат бюджетидан тегишли маблағ ажратилади;

4) жамоат ташкилотлари жамиятдаги ижтимоий муаммоларни бевосита ҳал қилмай, балки жамиятни демократлаштириш жараёнида иштирок этади;

5) жамоат ташкилотлари бир қатор тадбирларни ташкил қилиш орқали давлатга ёрдам беради;

6) жамоат ташкилотлари давлат бюжетидан маблағ олмасдан фаолият юритади (хусусан, илмий-техник бадиий-ижодий ташкилотлар).

Булардан келиб чиқадики, “фуқаролик институтлари”, “сиёсий институтлар”, “жамоат ташкилотлари” тушунчаларини илмий адабиётларда мустақил тушунчалар сифатида қўлланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мустақиллик йилларида Қонунга киритилган бир қатор ўзгаришлар натижасида жамоат ташкилотларининг хуқуқ ва мажбуриятлари доираси ҳам кенгайиб борди.

2004 йил 30 апрелда таҳририй ўзгаришлар киритилган “Нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг XVIII бўлим 2-моддасида “нодавлат-нотижорат ташкилоти жисмоний, юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари ўртасида тақсимламайдиган ўзини-ўзи бошқариш ташкилотидир” дея таъриф берилган. ”[3.12,73-88].

Бундан кўринадики, нодавлат-нотижорат ташкилотлари фуқароларнинг ихтиёри билан тузилиб, даромад (фойда) олиш уларнинг асосий фаолияти бўлмаслиги зарур. Агарда пуллик хизмат кўрсатилса ҳам, бу маблағлар ўз фаолиятини такомиллаштиришга сарфланиши назарда тутилган.

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида муайян мақсад ва вазифаларнинг қўйилиши ҳамда янгидан-янги муаммоларнинг юзага келиши шароитида жамоат ташкилотлари мамлакатни демократик йўналишда ривожлантириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали назорат олиб бориш каби масалаларга ўзларининг асосий фаолият йўналишлари сифатида қарамоқдалар.

Бинобарин, бугунги кунда жамоат ташкилотлари жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнининг ажралмас ва зарурий бўғинига айланиб борар экан, уларнинг функциялари доираси кенгайиб бориши ҳамда турли хил шаклларда намоён бўлиши объектив хусусиятга эгадир.

Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири ҳам юксак ҳуқуқий- сиёсий маданиятга асосланган демократик институтларнинг эркин фаолият юритиши ҳамда уларнинг давлат органлари билан ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатда бўлишидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Токи бу институт ва ташкилотлар қарорлар қабул қилиш, ўзлари мансуб бўлган ижтимоий қатлам ва тузилмаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тизимида муносиб ўрин эгаллай олсин” [2.28]. Шу маънода нодавлат-нотижорат ва жамоат ташкилотларининг маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳозирда жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз 2004 йил 21 июнь куни Оқсаройда “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойишида белгилаб берилган вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлисда сўзлаган нутқида “Фуқаролик жамиятининг энг асосий белгиси – бу давлатнинг вазифа, ваколатларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш орқали фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий маданиятни оширишдан иборат” – деб таъкидлади [4].

Фаоллик – бу фуқароларнинг давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокининг даражаси ва шаклининг кўрсаткичларидан биридир.

Дарҳақиқат, жамият аъзолари ижтимоий фаоллигининг қандай шаклда бўлиши уларнинг дунёқараши, онглилик даражасига боғлиқ. “Ижтимоий фаоллик турли шаклларда намоён бўлиши мумкин ва унинг барча кўринишлари ҳам жамият учун фойдали бўла олмайди” [5.35].

Фаолият қандай мақсад, қандай механизмларга таянишини яхши англамай, билмай туриб, дав-

лат ва жамият ҳаётини ташкил этиш ҳамда бошқаришда қатнашиб бўлмайди.

"Ижтимоий фаоллик, моҳиятига кўра, кишиларнинг бўш вақтларида кечадиган ихтиёрий, оммавий хатти-ҳаракатидир"[6.32]. Унинг негизини эса инсоннинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ташкил этади. Юқорида айтилганидек, фаоллик амалга ошиш хусусиятига кўра турли кўринишда бўлиши мумкин, яъни ижтимоий, сиёсий, гуруҳий ва шахсий. Шунга кўра, кишининг фаоллиги унинг бирон-бир мақсадга эришишга ёки турли хил эҳтиёжларини қондиришга қаратилган (актив) фаолиятида намоён бўлади. Шундай экан, "ижтимоий-сиёсий фаолият кенг ва турфа хил ҳаёт, фаолият соҳаларини ўз ичига оладиган тушунчадир" [6.48].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки:

- биринчидан, фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида фуқаролик институтлари билан жамоат ташкилотларининг мувозанатлашуви содир бўлади;

- иккинчидан, бунинг натижасида фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги аста-секин ортиб боради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.– Т.: Ўзбекистон, 2013.- 38 б.

2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.- 42 б.

3. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи норматив–ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2008.- 88 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармойишида белгилаб берилган вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлисда сўзлаган нутқи. / Халқ сўзи.- 2004.- 22 июнь.

5. Мусаев Ф. Дунёқараш асоси. // Ҳаёт ва қонун. –Т., 2002.- № 6.- Б.35

6. Хусейнова А. Фаоллик – тараққиёт кафолати. // Жамият ва бошқарув.-Т., 2009.- №2.- Б.52-53

Андижон давлат университети,
2015 йил 10 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. К.Юнусов)